


## Муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари халқаро мусулмон донишмандлар кенгашига қабул қилиндилар



14:27 / 09.02.2024 2499

2024 йил 9 февраль куни **Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Даби** шаҳрида бўлиб ўтаётган **Мусулмон донишмандлар кенгаши** йиғилишида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, **муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар** ҳазратлари ушбу Кенгашга қабул қилинганлари эълон қилинди.

Мусулмон донишмандлари кенгаши раиси, Миср Араб Республикаси Бош имоми, ал-Азҳар мажмуаси раҳбари **Шайх Аҳмад Тоййиб** жаноблари **Шайх Нуриддин Холиқназар** ҳазратларини ушбу нуфузли кенгаш аъзолигига қабул қилиш ҳақидаги қарорни ўқиб эшиттирди. **Аҳмад**

**Тоййиб** жаноблари ўз сўзида Марказий Осиё минтақасида ҳозирги кунда фаолият олиб бораётган кўплаб уламолар орасидан фақатгина Ўзбекистон муфтийси аъзо қилинганига алоҳида урғу қаратди.

Йиғилишда иштирок этаётган дунёнинг етакчи ва таниқли уламолари **Шайх Нуриддин Холиқназар** ҳазратларини Муслмон донишмандлар кенгашига қабул қилинганлари тарихий воқеа бўлганини таъкидлаб, юртимиздаги диний-маърифий соҳадаги ислохотларни юксак эътироф этдилар.

Аллоҳга шукрки, Ўзбекистон муслмонлари идорасининг ислом олами билан алоқалари ривожланиб, кўп томонлама муносабатлар йўлга қўйилди. Айниқса, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатилди, турли давлатлар диний идоралари билан меморандумлар имзоланди, хориждаги илмий конференциялар, Қуръон мусобақалари ва кўргазмаларда вакилларимиз муносиб иштирок этди. Ўз навбатида, таклиф ва ташаббусларимиз муслмон дунёси томонидан қўллаб-қувватланиб, нуфузли тadbирлар ҳамда анжуманларга мамлакатимиз мезмонлик қилди.

**Шайх Нуриддин Холиқназар** ҳазратларининг Муслмон донишмандлар кенгашига қабул қилинганлари юртимизда давлатимиз Раҳбари раҳнамоликларида амалга оширилаётган кенг кўламли диний-маърифий соҳадаги ислохотларнинг юксак эътирофи бўлди.

Муфтий ҳазратлари ўз навбатида **Кенгаш раиси Аҳмад Тоййиб** жаноблари, **Бош котиб Муҳаммад Абдуссалом** ва аъзо уламоларга билдирилган ишонч учун самимий ташаккур айтдилар. Шунингдек, муштарак мақсадлар бўлмиш Ислом дини, муслмон умматига хизмат қилиш, башарият муаммоларини биргаликда ҳал этиш, халқлар манфаатларини таъминлаш, тинчлик йўлидаги мулоқотларни кенгайтириш ва аждодлар меросини тadbқиқ этиш борасида бор билим-тажриба ҳамда имкониятларни сафарбар этишларини маълум қилдилар. Шунингдек, нуфузли Кенгашга аъзолик шараф бўлиш билан бирга катта масъулият эканини сўзладилар.

**Таъкидлаш жоизки, Шайх Нуриддин Холиқназар** ҳазратларининг ушбу нуфузли ташкилотга аъзо бўлишлари Аллоҳ таолонинг фазли ҳамда ёрдами билан 35 йилдан зиёд вақт мобайнида Ислом дини маърифатини кенг ёйиш ва мўмин-муслмонлар эҳтиёжини таъминлашдаги сермахсул меҳнатлари самарасидир.

*Аллоҳ таолодан Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларига Муслмон донишмандлар кенгашидаги фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.*

**Ўзбекистон муслмонлари идораси Матбуот хизмати**







